



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Термиз давлат университети ректори

А.Х.Тошқулов

2017 йил

“Иш жойидан маълумотнома олиш” интерактив хизматининг намунавий регламенти

1. Хизмат таърифи

1.1. Хизмат (паспорти) номланиши

Термиз давлат университети расмий сайти орқали “Иш жойидан маълумотнома олиш” интерактив хизмати

1.2. Хизмат натижаси

Шахснинг Термиз давлат университетида ишлаётганлиги ҳақида маълумотома шакллантирилади

1.3. Хизмат кўрсатувчи

Хизмат Термиз давлат университети томонидан кўрсатилади.

1.4. Ҳуқуқий асослар

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Жисмоний ва юридик шахслар марказий маълумотлар базаларини шакллантириш ва “Электрон ҳукумат” тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2015 йил 17 декабрдаги 365-сонли қарори.
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат ва хўжалик бошқаруви. маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникатсия технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2007 йил 23 августдаги 181-сон қарори.

1.5. Хизматдан фойдаланувчилар

Термиз давлат университети профессор-ўқитувчилари ва ходимлари.

1.6. Ариза бериш муддатлари

Муддати чекланмаган.

1.7. Бажариш муддатлари

Фойдаланувчи томонидан сўровнинг жўнатилиши билан автоматик тарзда маълумотнома шакллантирилади.

2. Хизматдан фойдаланувчиларга маълумот тақдим этиш

2.1. Маълумот таркиби ва ҳажми

Мазкур хизматдан фойдаланиш учун мурожаат қилган ҳар қандай фойдаланувчига куйидаги ахборот тақдим этилади:
хизмат кўрсатувчи органнинг жойлашган жойи, иш тартиби. Мурожаатларни кўриб чиқиш шартлари ва тартиби ҳақидаги маълумот:

- хизматдан фойдаланиш учун талаб этиладиган ҳужжатлар рўйхати:
- хизматдан фойдаланиш муддатлари:
- хизматнинг регламенти мавжудлиги тўғрисида маълумот.

2.2. Батафсил маълумот олиш

ОТМнинг расмий веб-сайти орқали.

2.3. Хизмат кўрсатиш манзили ҳақида маълумот олиш

Термиз шаҳар Баркамол авлод 43 уй

3. Иш вақтлари ва мурожаат жавобларини кутиш вақтлари

3.1. Иш вақтлари

Иш вақти белгиланмаган.

3.2. Кутиш шартлари

Кутиш шартлари белгиланмаган.

4. Хизмат кўрсатиш тартиби

4.1. Зарур бўлган ҳужжатлар

- ЭРИ (электрон рақамли имзо) жисмоний шахснинг шахсий идентификацион рақами (ПИНФЛ). (Қўшимча ҳужжатлар талаб этилса кўрсатилсин).

4.2. Хизмат тўлови

Бепул.

4.3. Хизматни кўрсатиш босқичлари

Термиз давлат университетининг расмий сайти орқали хизмат кўрсатиш босқичлари:

- Id.gov.uz орқали рўйхатдан ўтилади ва тизимга кирилади;
- "Интерактив хизматлар бўлиmidан "Иш жойидан маълумотнома олиш" интерактив хизмати танланади;
- жисмоний шахснинг шахсий идентификацион рақами (ПИНФЛ) киритилади (агар фойдаланувчи жисмоний шахс бўлса);
- ходим ҳақидаги маълумотлар киритилади;
- оммавий оферта билан танишганлик тасдиқланиб, "Электрон рақамли имзо билан юбориш" функцияси танланади ва ариза юборилади. (Қўшимча босқичлар бўлса кўрсатилсин).

4.4. Хизматни кўрсатишнинг ички идоравий жараёни

Олий таълим муассасаларида ишлайдиган ходимлар рўйхати ва улар ҳақидаги маълумотлар олдиндан ОТМнинг маълумотлар базасига киритилган бўлади ва фойдаланувчининг сўрови асосида ходимнинг ишлаётганлигини тасдиқловчи маълумотноманинг электрон нусхаси автоматик равишда шакллантирилади.

Агар мурожаат этувчи томонидан сўралган маълумотлар базадан топилмаса, рўйхатдан ўтган электрон почта манзилига бу ҳақида маълумот маъсул ходим (маъсул ходимиинг Ф.И.Ш., лавозими, телефон рақами) томонидан жўнатилади. Маъсул ходим қайта таҳлил қилгандан кейин, ходим ҳақиқатдан ишлаётган бўлса, 3 кун ичида базага киритади. (Қўшимчалар бўлса кўрсатилсин).

4.5. Рад этиш сабаблари

Ходим ҳақидаги маълумот тўғри киритилмаса.

5. Хизмат кўрсатиш сифати

5.1. Шикоят аризасини бериш тартиби

Рад этиш ҳолларида фойдаланувчи юқори турувчи ташқилотга қонунда кўрсатилган тартибда муружаат этиши мумкин.

“КИРИТИЛДИ”

Термиз давлат унiversитети

Ходимлар бўлими бошлиғи

 Ю.Хаккулов


“ ” 2017 й.

“КИРИТИЛДИ”

Термиз давлат унiversитети

Ахборот технологиялари

маркази бошлиғи

 Х.А.Чориев

“ 10 ” 11 2017 й.